Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · “Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnologik tarmoqlardagi o‘rni” mavzus...

materiallar to'plami

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Д. Нажимидинова-Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти

Аннотация.Сунъий интеллект бугунги кунда дунёдаги энг муҳим технологиялардан бирига айланиб улгурди. Ўтган асрнинг бошларида биз фақат фильмларда ва турли хил илмий-фантастик романларда кўришимиз мумкин бўлган саҳналарнинг аксарияти ҳаётимизга сунъий интеллектнинг кириб келиши билан ҳақиқатга айланмоқда.

Калит сўзлар: Сунъий, интеллект, технология, ривожланиш, стратегия психология, ақл ,қобилият, фикрлаш, ҳаёт, инсон, транзистор, тажриба, инсон.

Интеллект - (lot. intellectus3 - билиш, тушуниш, идрок қилиш, ақл) инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни, атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқишўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилишда бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати. Интеллектнинг таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш ва психик жараёнлар киради. Интеллектнинг ривожланиши туғма истеъдод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби ижтимоий омилларга боғлиқ.[1] Интеллект даражаси инсон фаолиятининг ҳамда, психологик тестлар натижаларига қараб ҳам белгиланади. Юқорида кўриб чиқилган “интеллект” тушунчасидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, интеллект фақат инсонларга тегишли ва одам ақлий қобилиятининг ўзига хос ўлчовидир. Психологлар томонидан махсус усуллар ёрдамида тажриба орқали одамнинг интеллектуал (ақлий) даражасини аниқлаш имкониятлари пайдо бўлди.[2]

Сунъий интеллект тушунчаси ҳақида якдил, аниқ бир таъриф ҳозирги кунгача мавжуд эмас. Бунга турли фан соҳаларида ижод қилувчи олимларнинг талқинлари турличалиги ҳам асосий сабаблардан биридир. Сунъий интеллект тизимларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва имкониятларига кўра турлари ҳамда уларни таълим жараёнида қўллаш орқали таълим сифатини ошириш ҳақида фикрлар юритилган.[3] Сунъий интеллект тизимларини таълимда қўллаш бўйича ривожланган давлатлар тажрибалари, уларни мамлакатимиз таълимига татбиқ этиш масалалари ўрганилган. У сунъий интеллектга “одамга ўхшаш ақлли машиналар, айниқса, ақлли компьютер дастурларини яратиш фанлари ва муҳандислиги” деб таъриф берган. Шунга кўра, компьютер фикр юритиш, муаммоларни ҳал қилиш, маъно яратиш ва умумлаштириш каби инсоний хаттиҳаракатларни намойиш қилса, яъни юқори даражадаги билим қобилиятларидан фойдалана олса, компьютерни сунъий интеллект деб таърифлаш мумкин[4]. Сунъий интеллектнинг ривожланиши ва ўзгариш жараёни компьютерларнинг, яъни транзисторларнинг ривожланиши билан параллел. Бироқ, ушбу фикр сунъий интеллект фақат компьютер технологиялари

Published: 10.11.2023

Cite this article: Д. Нажимидинова (2023). Сунъий интеллек дан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим тизими. Emro Science and Education, 1(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/522

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

билан боғлиқ, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Аксинча, бу - сунъий интеллект тиббиёт, муҳандислик ва саноат соҳаларидан психологияга қадар кўплаб фанларга бевосита боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг барчаси эҳтиёжларига мувофиқ равишда тузилган соҳа эканлигидан далолат беради. Ҳозирда сунъий интеллектни турли илмий адабиётлар таҳлилига кўра имкониятларига асосланган ҳолда уч турга ажратишимиз мумкин. Ўқувчиларнинг хулқ-атворини кузатиб бориш. [9] Бунда «Ақлли мактаб» дастури айнан ўқувчиларнинг ўзлаштириши жараёнида ҳосил бўлган бўшлиқларни, ўзлаштиришида мавзулар кесимида узилишларни, ўзлаштириш даражаси паст ўқувчилар ва фанлардан қобилиятли ўқувчиларни график ва бошқа кўринишларда чиқариб бериши орқали айнан қайси ўқувчи билан ва қайси мавзулар бўйича индивидуал тарзда шуғулланиш лозимлигини аниқлаб беради. Бундан ташқари, сунъий интеллектнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши - ўқитувчиларнинг ҳам ўзгаришга мажбур қилади. Жумладан, ўқитувчиларнинг «Ақлли мактаб» дастури билан ҳамкорлиги натижасида мактабларда ўқувчиларни тезкор, самарали ва яхшироқ ўқитишга кўмаклашади. Бу ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлашларига ва таълим бериш сифатини оширишларига олиб келади. Сунъий интеллект тизимларининг мактабларга жорий этилиши ўқитувчиларнинг кўплаб ишларини оптималлаштиради ва автоматлаштиради.[8] Бу эса ўқитувчиларга ўзининг ўқувчилари билан ишлаш ва таълим сифатини ошириш учун кўпроқ вақт ажратишларига олиб келади. Кўплаб олимлар сунъий интеллект келажаги борасида кўплаб тортишувлар олиб бормоқдалар.[10

Сунъий интеллект ҳозирги кунда қуйидаги жараёнлар кўринишида таълимни ўзгартиришни давом эттирмоқда:

● глобаллашув ва фан-техника тараққиёти жараёнида сунъий интеллектнинг таълим тизимидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда;

● тест ва баҳолаш тизимлари орқали талабалар ва ўқувчилар учун сунъий интеллект ёрдамида янги ўлчовлар ва мезонлар яратиш мумкин;

● табақалаштирилган ва индивидуал таълимдан янада самарали ва кенг фойдаланиш имкониятлари яратилди;

● таълимда жуда муҳим ўрин тутадиган тескари алоқа сунъий интеллектга эга талабалар эҳтиёжларига мос равишда автоматлаштирилиши мумкин. Сунъий интеллект технологиялари орқали ҳар қандай соҳани ўзгартириш имконияти мавжуд, аммо бу имкониятлар чексиз эмас. Сунъий интеллектнинг асосий камчиликлари шундаки, – маълумотлардаги ҳар қандай ноаниқликлар - натижага таъсир кўрсатади; – киритилаётган маълумотлар аниқ бўлиши, сунъий интеллект тизимлари хатосиз ишлашини таъминлайди; – маълум бир соҳа учун яратилган сунъий интеллект тизими бошқа соҳа учун натижа бермайди. Бу дегани қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган тизимни тиббиёт соҳасида қўллаб бўлмайди. Ёки фирибгарликни аниқлаш учун тузилган тизим машинани бошқаролмайди ёхуд юридик ёрдам кўрсатолмайди. Бошқача қилиб айтганда, ушбу тизимлар жуда тор

ихтисослашуви билан ажралиб туради. Тизимлар битта аниқ вазифани бажариш учун мўлжалланган ва улар инсон каби кўп вазифаликдан йироқдир.[12] Шуни унутмаслик керакки ҳар бир яратилаётган технологиялар доим инсониятга, унинг турмуш даражасини яхшилашга, башарият тараққиётга хизмат қилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Рахимов Н.О. Интеллектуал ўқитиш тизимларида билимларни ифодалаш моделлари // ТАТУ хабарлари. – Тошкент. №4. 2010. 64-68 б.
2.Mahammadovna, S. I. (2021). Needs and factors for developing professional and creative abilities of students of higher educational institutions. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, *25*(6), 2200-2209.
3.Maxammadovna S. I. O'zbekistonda inson huquqlarini ta'minlash: Ijtimoiy xizmatlar agentligi misolida //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY. – 2023.
4.Mahammadovna, S. I. (2023). Features of Cluster Design in Modern Paradigms of Education. *Telematique*, *22*(01), 348-355.
5.Насиров, И. З., & Сирожиддинова, И. М. (2023). «Бузуқ телефон» педагогик технологияси асосида машғулотларни олиб бориш. *pedagog*, *6*(2), 291-298.
6.Сирожиддинова, И. (2022). Методика смешанной отборки при комплексном проектировании профессиональной подготовки будущих инженеров. *Общество и инновации*, *3*(7/S), 87-92.
7.Maxammadovna, S. I. (2022). Klaster texnologiyasi asosida bolajak muhandislarni kasbiy tayyorgarligini takomillashtirish. *Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў. Илмий-методикалық журнал.*
8.Сирожиддинова, И. М. (2022). Таълим жараёнини мониторинг тадқиқ қилиш учун ташхис материалларини ишлаб чиқиш. *Results of National Scientific Research International Journal*, *1*(6), 33-38.
9.Sirojiddinova, I. M. (2015). Engineering Students Have Succeeded In Creating A Technology Cluster. *Pedagogy & Psychology. Theory and practice*, *22*..
10.Zakirovich, N. I., & Mahammadovna, S. I. (2023). Levels of development of human abilities. *Новости образования: исследование в XXI веке*, *1*(7), 341-344.
11.Iroda, M. (2019). Rational Methods Awakening and Stimulating University Students Professional and Creative Abilities. *Eastern European Scientific Journal*, (1).